

Судланувчининг жиноий ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2009 йил 13 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2009 йил 27 январдаги ҳукмига асосан У. 2008 йил 29 сентябрга ўтар кечаси соат 02:30 ларда дугонаси Т. кўчада Қ. билан жанжаллашаётганини эшитиб, уйда бўлган хўжалик пичоғи билан қуролланиб, Т. ва Қ. жанжаллашаётган Андижон шаҳар, 5-кичик даҳасида жойлашган 4-уй олдига танишлари Ю. ва Д. билан етиб келишган.

Жанжал вақтида У. Қ.нинг Т., Ю., Д.ларни ураётганлигини кўриб, ундан ўч олиш мақсадида Қ.ни шахсий дўстона муносабатда бўлган синфдоши Р. ва яқин дўсти Х.ни кўз ўнгида икки марта пичоқ уриб ўлдирганликда айбдор деб топилиб, ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, ЖК 50-моддаси тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 12-бандида жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ иш бўйича Олий суд Пленумининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

У. дастлабки тергов ва судда, жанжал давомида Қ. дугонаси Т.ни ураётганида, уларни ажратиш учун борган Ю. ва Д.ни ҳам урганлиги, Қ. унинг қўлидаги пичоғини кўриб, қорнини очиб яқинлашганда, Қ.ни ўртоқлари Х. ва Р.га Қ.ни олиб кетишларини илтимос қилганлиги, шундан сўнг Д. тилла занжирини Қ. ўғрилаганлигини айтганида Қ. орқасига қайтиб, Д.ни урганлиги, шу пайтда қўлига яна пичоқни олиб, Қ.ни орқа

кўкрак соҳасидан пичоқ урганлиги, шундан сўнг Қ. ўртоқлари билан 15-20 метр югуриб бориб, ерга йиқилганлиги, Қ.ни ўртоқларидан бири тош кўтариб келаётганлигини кўрганлиги сабабли уйига қочиб кетганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Суд У. таниши О.дан кўчада Т.ни болалар ураётганлигини эшитиб, уйдан ошхона пичоғини олиб, О., Ю. ва Д.лар билан воқеа жойига келишганлиги, Қ. Т.ни ураётганлигини кўрган Ю. ва Д. уларни ажратмоқчи бўлишганда Қ. уларни ҳам урганлиги, У. уларни ажратиш учун борганида, У.ни қўлидаги пичоқини кўриб Қ. қорнини очиб У.га яқинлашганлиги У. қўлидаги пичоқни ташлаб юборганлиги, шу пайт Д. тилла занжири йўқолганлигини вақт қилиб, Қ.ни ўғрилиқда айблаганлиги, бунини эшитган Қ. Д.ни ёқасидан ушлаб ураётганда, У. Қ.га икки марта пичоқ урганлиги ҳолатларига юридик баҳо бермаган.

Жиноят иши материалларида У.нинг ҳаракатларида Қ.нинг ўртоқлари Р. ва Х.га кучли изтироб бераётганлигини англаган ҳолатда қасддан ўлдирганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Суд У.нинг Қ. ва Т. ўртасида бошланган уруш-жанжал натижасида Қ.ни ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдирган деб нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2010 йил 11 мартда У.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, У.нинг ҳаракатини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «ж» бандидан шу Кодекснинг 97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, У.га нисбатан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

ЖСХ-21-10 назорат иши